

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

2013 йил – Обод турмуш йили

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Президентимиз Ислон Каримовнинг қарори билан тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг тўртинчи бўлимида жисмонан соғлом, маънан етук – баркамол авлодни тарбиялаш, кадрларни касб жиҳатдан ҳозирги замон талаблари даражасида тайёрлаш, таълим сифатини янада ошириш ва такомиллаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини юксалтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш давомида замон талабларига жавоб берадиган, барча жабҳаларда мамлакатимизни янги ривожлантиришни таъминлаш шарт-шароитларига мос келадиган, бутун дунёда эътироф этилган ноёб узлуксиз таълимнинг миллий модели яратилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида 217 умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва 164 тасини капитал таъмирлаш, 159 академик лицей ҳамда касб-хунар коллежини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, олий таълим муассасаларининг 45 объектини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш режалаштирилган. Уларнинг барчаси компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа инвентарлар билан таъминланади. Шунингдек, 55 мусиқа ва санъат мактаби, 116 болалар спорти объектини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда уларни барча зарур жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари ва уларнинг ҳудудлардаги филиаллари оптик-толали алоқага эга бўлиб, улар «ZiyoNET» миллий таълим тармоғи ҳамда юқори тезлик билан ишлайдиган интернетга уланган. Ишга туширилган ягона ахборот-кутубхона тизимига 300 мингдан ортиқ дарслик, қўлланма ва бошқа ўқув адабиётларига доир библиографик маълумотлар киритилган. 2013-2016 йилларда ушбу базани 30 мингдан ортиқ электрон дарслик ва китоблар билан тўлдириш режалаштирилмоқда.

Мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган янги авлод дарсликларини яратиш тизими шакллантирилди. Айни пайтда улар жами ўқув адабиётларининг 99,4 фоизини ташкил қилади. 2013 йилда касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг кутубхона фонди 343 номдаги 600 мингта ўқув қўлланмалари билан бойитилади. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар ҳамда қўлланмалар билан бепул таъминлаш белгиланган.

Биринчи синфга тайёрлашни янада яхшилаш мақсадида мактабгача таълим тизимига янги мазмун-моҳият бағишлаш кўзда тутилган. Давлат бюджети ҳисобидан ҳар бир мактабгача таълим муассасаси болаларнинг интеллектуал ва мантиқий фикрлаш қобилиятини эрта ривожлантиришга ёрдам берадиган кўргазмалар қўлланмалар ҳамда материаллар билан таъминланади. Мактабга тегишли шаклда тайёрлаш имконини берадиган бешта китобдан иборат расмий қўлланмалар тўпламини нашр этиш режалаштирилган. Ҳар йили улар мактабгача таълим муассасаларига жалб этилмаган болаларга бепул тарқатилади.

Ёшлар, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнесга жалб қилиш масаласи ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим вазифалардан биридир. Шундан келиб чиққан ҳолда, «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастури» лойиҳаси доирасида олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежларида қишлоқ хўжалиги, саноат, ахборот технологиялари, атроф-муҳит муҳофазаси ва хизмат кўрсатиш соҳалари мутахассисларини тайёрлаш учун мақсадли курслар ташкил этиш мўлжалланмоқда. Ёш тадбиркорларга моддий ва услубий ёрдам кўрсатилади, ҳудудий махсус маслаҳат марказлари фаолияти такомиллаштирилади.

Жорий йилда «Таълим грантлари дастури», «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури» танловларини ўтказиш давом эттирилади. Шунингдек, кам таъминланган оилалардан ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида ва олий ўқув юртларида ўқиётган 100 нафар иқтидорли йигит-қизлар учун касба уюшмаси стипендиялари таъсис этилади.

Мамлакатимизда болалар ва ёшларнинг истеъдоди ҳамда ижодий қобилиятини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2013 йилда «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали, замонавий хореография ва спорт пластикаи халқаро танлови, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида академик ва эстрада ижрочилиги бўйича республика танлови, «Иқтидорли ёшлар – Ватан равнақи йўлида» шиори остида ўқувчиларнинг «Йилнинг энг яхши ихтирочиси» танлови ўтказилади. Аксарияти анъанага айланган бу тадбирлар



мамлакатимизнинг барча ҳудудидоги иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларнинг ижодини ривожлантиришга хизмат қилмоқда, ўсиб келаётган ёш авлоднинг юқори салоҳиятини намойиш этмоқда.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни янада кенгроқ оммавийлаштириш мақсадида 2013 йилда қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёшлар ўртасида «Алпомиш» ва «Барчиной» ҳудудий мусобақалари, «Миллий қадриятлар – бекиёс бойлигимиз» шиори остида миллий спорт ва халқ ўйинлари республика фестивали, Наврўз, Мустақиллик байрамларига бағишланган умуммиллий марафонлар ташкил этилади. Бухорода «Универсиада – 2013» мусобақалари бўлиб ўтади.

Ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда миллий ифтихор ва ўзликни англаш, ватанпарварлик, ўз халқининг тарихи ҳамда маданиятини ҳурмат қилиш фазилатларини шакллантириш келажакка қаратилган ушбу улкан ишларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу хайрли ишлар доирасида жорий йилда ёшларнинг касб кўникмаси ва инсоний фазилатларини ривожлантириш учун таълим оромгоҳлари, ёш журналистлар учун медиа-оромгоҳлар, турли йўналишлар бўйича мунтазам ўтказиладиган семинарлар, тренинг ва маҳорат сабоқлари ташкил этилади.

Давлат дастурида «Биз баркамол авлодмиз» ўн кунлиги, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Ҳар бир болага меҳр ва эътибор» ҳафталигини ўтказиш режалаштирилган.

Халқимиз азалдан илм ва маърифатга интилган. Истиқлол йилларида ушбу соҳа давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан ўрин олди. Буни «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳам яққол тасдиқлайди. Унда жисмонан соғлом, маънавий етук баркамол ёшларни тарбиялаш ва уларнинг билим олиши бўйича белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши мамлакатимизда фаровон ҳаётни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Президентнинг 1.03.2013 йилдаги ПФ-4512-сон Фармони билан республикада муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш ва ушбу соҳа учун замонавий асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар тасдиқланди. Пойтахтда Фанлар Академиясининг «Физика-Қуёш» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси негизида Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари иштирокида Халқаро қуёш энергияси институти ташкил қилинади.

«Ўзбекэнерго» ДАК ва Хитой компанияси «Навоий» ЭИИЗдаги қўшма корхонада 2013 йилнинг октябрь ойидаёқ қуввати 50 МВт бўлган панеллар ишлаб чиқаришни бошлашлари керак. Самарқанд вилоятида Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредити ва ЎзР Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобига 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станцияси қурилади.

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги халқаро экспертлар иштирокида қуёш ҳамда биогаз энергиясини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларни рағбатлантириш, уларга солиқ ва божхона имтиёзлари ва афзалликлар бериш бўйича таклифларни киритишлари керак.

Вазирлар Маҳкамасига жорий йилда Тошкент шаҳрида халқаро молия институтлари, етакчи халқаро экспертлар, хорижий тадқиқот марказлари ҳамда технологик ускуналар ишлаб чиқарувчи компаниялар иштирокида муқобил энергия манбаларини қўллаш масалаларига доир халқаро конференцияни ўтказиш бўйича зарур ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш топширилди. Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академияси, «Ўзбекэнерго» ДАК манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини киритишлари керак.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда ЯРМАРКАЛАР МАВСУМИ БОШЛАНМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг «2013 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржани ташкил этиш ва ўтказишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (22.02.2013 йилдаги 53-сон) қабул қилинди.

Унга кўра ушбу тадбирлар 2 босқичда: март-июнда ҳудудий ва тармоқ саноат ярмаркалари, 29 октябрдан 2 ноябргача – Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа ўтказилади.

Уларни ўтказишга доир жадвал ва комплекс чора-тадбирлар ҳамда «Ўзэкспомарказ» МКМ ОАЖ хизматларига имтиёзли тариф нархлари тасдиқланди. Чунончи, ёпиқ стандарт жиҳозланган кўргазма майдони ижараси 1 кв.м учун ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 180 000 сўмни, ёпиқ жиҳозланмаганини – 120 000 сўмни, очигиники (павильондан ташқари) – 60 000 сўмни, базавий кўргазма стендини куриш – 60 000 сўмни ташкил этади. Кичик бизнес корхоналари ижарага олинган кўргазма майдонлари учун тўловлар тўлашдан озод қилинадилар.

ВОДИЙ УЧУН ЛОГИСТИКА МАРКАЗИ

Вазирлар Маҳкамасининг 26.02.2013 йилдаги 56-сон қарори билан «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК ҳузурида Наманган вилоятида «Поп логистика маркази» унитар корхонасининг мультимодал логистика марказини барпо этиш ва фаолиятини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. У йилига 4,0 млн тоннагача юкларни ишлайди.

Шунингдек транспортнинг ҳар хил турлари билан ташишнинг ўзаро боғлиқ жараёнини, шу жумладан «Қамчиқ» домини орқали юкларни ташиш учун «Ангрен логистика маркази» ЁАЖнинг автотранспорт воситалари паркидан самарали фойдаланиш асосида ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Куйидагилар «Поп логистика маркази» унитар корхонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгиланди: Фарғона водийси ҳудудида юкларни етказиб беришнинг ягона мультимодал схемасини таъминлаш ҳамда транспорт-логистика ва транспорт-экспедиция хизматлари кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти субъектларининг эҳтиёжларини қондириш учун самарали логистика тармоғини шакллантириш.

Фарғона минтақавий темир йўл боғланмасининг станциялари омборхоналари муайян юкларни сақлашга ихтисослаштирилади.

2014 йил 1 январгача бўлган муддатга Логистика марказини куриш доирасида: Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар бўйича четдан олиб келинадиган товарлар – божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари); бажариладиган ишлар (хизматлар) ҳажмлари – ҚҚСдан озод қилинади.

«Поп логистика маркази» унитар корхонаси 2017 йил 1 январгача бўлган муддатга солиқларнинг барча турларини тўлашдан, давлат мақсадли жамғармаларига ҳамда бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод қилинади.

«ИЖОД» МАЪЛУМОТНОМАЛАРНИ ТОПШИРИШДАН БОШ ТОРТМАЙДИ

Давлат органларига топшириладиган ҳисоботлар миқдорини қисқартирган Президентнинг 16.07.2012 йилдаги ПФ-4453-сон Фармони билан 2012 йил 1 июлдан солиқ органларига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондига мажбурий ажратмалар ҳисоб-китоби тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш бекор қилинди. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг буйруғи (АВ томони-

дан 25.02.2013 йилда 2139-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тасдиқланган Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондига ажратмалар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомдан тегишли меъёрлар чиқариб ташланди.

Ажратмаларни тўловчилар «Ижод» фондига Маълумотномаларни ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисоботни топшириш муддатида тақдим этадилар. Солиқ органлари ушбу маълумотни бевосита Фонддан оладилар.

КОНТРАКТДАГИЛАР УЧУН НИЗОМ ЎЗГАРТИРИЛДИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи билан Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом (АВ томонидан 26.02.2013 йилда 2431-сон билан рўйхатдан ўтказилган) тасдиқланди. Илгари амал қилган Низом (АВ томонидан 6.08.1999 йилда 795-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ўз кучини йўқотди.

Янги Низом Давлат бюджетидан молиялаштириладиган таълим муассасаларига татбиқ этилади, олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимида ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида, шунингдек ҳарбий таълим муассасаларига татбиқ этилмайди. У таълим контрактларини расмийлаштириш, унинг миқдорларини ва тўлаш тартибини белгилаш, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида маблағларни сарфлаш тартибини ўрнатади.

Илгари бўлганидек, иш ҳақи ва стипендиялар миқдорларининг, энергия ресурслари, коммунал ва эксплуатация хизматларининг нархлари ва тарифлари ўзгариши

муносабати билан контракт асосида ўқитишнинг тўлов миқдори ўқув йили давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин. Бунда қайта ҳисоб-китоб фақатгина ўқув йилининг қолган муддати учун амалга оширилади деган аниқлик киритилди. Қайта ҳисоб-китоб натижасида тўланиши лозим бўлган қўшимча маблағ, ўқитиш учун тўловни оширилганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан бошлаб бир ой муддатда амалга оширилиши лозим. Ўқитишнинг тўлов миқдори камайтирилганда ортиқча тўланган маблағ кейинги тўловлар ҳисобига ўтказилди ёки тўловни амалга оширган тарафнинг ёзма мурожаатига кўра қайтариб берилади. Талаба академик таътилга чиққан ҳолларда олдиндан амалга оширилган тўловнинг қолган қисми қайтариб берилади.

Низомда тўловнинг аниқ муддатлари белгиланган: контракт миқдорининг камда 50 фоизи – талабалikka тавсия этилган абитуриентлар учун 15 сентябргача, иккинчи ва ундан кейинги босқич талабалар учун 1 октябргача; қолган қисми (қисмларга бўлиб тўланган ҳолларда ҳам) – 1 мартгача амалга оширилади.

Ўқув йили давомида Давлат комиссиясининг қўшимча қарори асосида олий таълим муассасаларига контракт асосида қабул қилинган абитуриентлардан ўқитиш учун тўлов фақат ўқув йилининг қолган муддати учун олинади. Бунда, ўқув йилининг қолган муддати сифатида олий таълим муассасасининг абитуриентни дарсларга қатнашишга рухсат бериш тўғрисидаги буйруғида дарсларга қатнашиши белгиланган ойнинг биринчи санасидан ўқув йилининг охиригача бўлган давр тушунилади.

Олий таълим муассасалари битирувчи курс талабаларининг охириги ўқув йили учун тўлов, тўловнинг белгиланган миқдоридан июль ва август ойлари учун тўланадиган стипендия миқдорини чегириб қолиш орқали амалга оширилади.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юримиз Елена ЕРМОХИНА ва Гияра ТЕМИРЬЯНОВА тайёрладилар.

МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	11.03.2013	1	0,7849	1	1,0202	1	0,0255
Арманистон	7.03.2013	1	410,58	1	535,48	1	13,37
Беларусь	11.03.2013	1	8630,00	1	11210,00	1	280,50
Грузия	11.03.2013	1	1,6595	1	2,1615	100	5,3945
Қозоғистон	11.03.2013	1	150,78	1	196,32	1	4,91
Қирғизистон	12.03.2013	1	47,8158	1	62,1605	1	1,5546
Латвия	12.03.2013	1	0,540000	1	0,702804	1	0,017600
Литва	12.03.2013	1	2,6382	1	3,4528	1	0,08588
Молдова	11.03.2013	1	12,2644	1	15,9664	1	0,3988
Россия	8.03.2013	1	30,7628	1	39,9732	–	–
Тожикистон	11.03.2013	1	4,7541	1	6,0902	1	0,1531
Украина	11.03.2013	100	799,3000	100	1039,8893	10	2,5983
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 12 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади.*)

1 Австралия доллари	2075,41	1 Малайзия ринггити	653,28
1 Англия фунт стерлинги	3028,83	1 Польша злотийси	639,54
1 Дания кронаси	354,12	1 СДР	3062,12
1 БАА дирҳами	552,90	1 Туркия лираси	1125,06
1 АҚШ доллари	2030,73	1 Швейцария франки	2134,46
1 Миср фунти	300,60	1 ЕВРО	2645,48
1 Исландия кронаси	16,07	10 Жанубий Корея вони	18,50
1 Канада доллари	1976,38	10 Япония иенаси	211,12
1 Хитой юани	326,58	1 Россия рубли	66,01
		1 Украина гривнаси	254,06

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган

УШБУ СОНДА:

- ✓ 2013 йил – обод турмуш йили
- Таълим тизимини ривожлантириш – мамлакатимиз тараққиётининг муҳим омили **1-бет**
- ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси **1-2-бетлар**
- ✓ ХЎЖАЛИК ҲУКУКИ
- Қарзни муассис мол-мулкига қаратса бўладими?

- Ҳамкасбларни алоҳида ҳақ эвазига ташиш керак
- Депо ҳисобварағининг эгаси ким?
- Курилиш охирига етказилмаган ҳолда...

3-4-бетлар

- ✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ
- Тўлиқ иш куни қачон белгиланиши мумкин?
- Раҳбар жазоланади, ходим ишга тикланмайди
- Ёзма равишда сўранг
- Низоли кодекс

- Шартноманинг номи аҳамиятли эмас...
- Муддатли ишловчи учун синов
- Уч киши ўрнида ишлаб, ҳақ олиш мумкинми?

5-6-бетлар

- ✓ ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ
- Телевизорни қайтаришда ёрдам беринг
- Гўшакни жойига қўйинг!
- Қайнонанинг розилиги оила бузилишига сабаб бўлолмайди

7-8-бетлар

ҚАРЗНИ МУАССИС МОЛ-МУЛКИГА ҚАРАТСА БЎЛАДИМИ?

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан МЧЖдан ОАЖ фойдасига етказиб берилган товарлар учун қарз суммаси ундирилиши керак. Суд ижросининг қарори билан қарздорда ундириш мумкин бўлган мол-мулкнинг йўқлиги туфайли ижро ишини юритиш тўхтатилди ва уни ёки даромадларини излаш бўйича кўрилган чоралар натижасиз бўлиб чиқди. Қарздор МЧЖ битта муассис томонидан ташкил этилган. Унинг устав фонди пул маблағлари билан шакллантирилган.

Қарзни МЧЖ муассисининг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкига қаратиш таомили қандай бўлади?

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун (29.08.2001 йилдаги 258-II-сон) 48³-моддасининг биринчи қисмига биноан юридик шахснинг қарзлари бўйича, шу жумладан, унинг мол-мулки ижро ҳужжатидаги талабларни ижро этиш учун етарли бўлмаганда, ундирув суд ҳужжати асосида, қонунда белгиланган шартларда ва тартибда унинг, муассисларининг пул маблағларига ҳамда бошқа мол-

мулкига қаратилиши мумкин.

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг (6.12.2001 йилдаги 310-II-сон) 3-моддасига кўра МЧЖ иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Шу тариқа, МЧЖнинг қарзини

унинг муассиси мол-мулки ҳисобига сўндириш қонунда назарда тутилмаган.

Сизнинг ҳолатингизда қарздорда пул маблағлари ёки сизнинг олдингиздаги қарзни сўндириш учун бошқа мол-мулк бўлмаганида судга уни банкрот деб топиш ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга (24.04.2003 йилдаги 474-II-сон Қонун билан тасдиқланган тахрирда) мувофиқ тугатиш ишини юритиш тўғрисида мурожаат қилиш лозим.

Бунда «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун 5-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилишича, МЧЖнинг банкротлиги иштирокчи сифатидаги шахснинг айби туфайли вужудга келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

ҲАМКАСБЛАРНИ АЛОҲИДА ҲАҚ ЭВАЗИГА ТАШИШ КЕРАК

Ўзининг енгил автомашинасига эга бўлган жисмоний шахс юридик шахснинг ходимларини ишга олиб бориш ва қайтариб олиб келиш бўйича хизмат кўрсатмоқчи. Бунда унинг хизматларидан фойдаланувчи корхона бензинга харажатларни ўзининг корпоратив картасидан тўлаш ниятида.

Жисмоний шахс бундай хизматлар кўрсатишга доир бирор-бир ҳужжатга (лицензия, патент) эга бўлиши лозимми?

Автотранспортда йўловчиларни ташиш бўйича фаолиятни фақат юридик шахслар амалга оширишлари мумкин ва у лицензияланиши керак (Автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низомнинг¹ 2-банди). Жисмоний шахс мазкур фаолият тури

билан шуғулланишга ҳақли эмас.

Сизнинг ҳолатингизда компания ва жисмоний шахснинг ҳуқуқий муносабатларини меҳнат шартномаси билан расмийлаштириш мумкин. Ходимнинг ўз шахсий автотранспорт воситасидан хизмат эҳтиёжлари учун фойдаланиши харажатларини унга компания Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун (хизмат

сафарларидан ташқари) фойдаланганлик учун компенсация тўлаш тартибига² мувофиқ қоплаши мумкин.

Мазкур ҳолда компания томонидан автомобилдан фойдаланиш харажатларини тўлаш учун корпоратив банк картасидан фойдаланишга келсак, Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга³ кўра, бу эса жисмоний шахс – автомобиль эгаси билан Фуқаролик кодексининг 535–557, 564–572, 617–630-моддаларида, шунингдек Автотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида низомда⁴ назарда тутилган тартибда тегишинча ижара ёки бепул фойдаланиш⁵ шартномасини тузиш йўли билан кўрсатилган автотранспорт воситаси ижарага ёки бепул фойдаланишга қабул қилинган тақдирда мумкин.

Артём МОКШИН, «Норма» эксперт юридик хизматининг раҳбари.

ДЕПО ҲИСОБВАРАҒИНИНГ ЭГАСИ КИМ?

Акциядорлик жамияти қимматли қоғозлар эмиссиясини амалга оширди ва, тегишинча, депозитарий билан чиқарилган акцияларни ҳисобга олишга эмиссия шартномасини тузди. Уларнинг ҳаммаси жисмоний шахслар ўртасида жойлаштирилди.

Депозитар ҳисобнинг ягона қоидалари 13.2-бандига кўра депозитар шартноманинг предмети бўлиб қимматли қоғозлар эгалари томонидан уларга тегишли бўлган қимматли қоғозларга доир ҳуқуқларнинг амалга оширилишига ёрдам берадиган депозитар хизматлар кўрсатиш ҳисобланади. Ушбу Қоидаларнинг 13.10-бандига биноан эса агар депонент бўлиб унинг учун депозитарий уларни жойлаштириш жараёнида эмитентнинг қимматли қоғозларини чиқаришларни ҳисобга олиш хизматларини тақдим этадиган эмитент ҳисобланса, депозитарий шартномаси Депо эмиссия ҳисобварағининг шартномаси деб аталади.

Тушунтириб берсангиз, депозитарий билан нақдсиз акциялар жойлаштирилганидан кейин уларни ҳисобга олиш ва сақлашга ким шартнома тузиши керак – эмитентми (акциядорлик жамияти) ёки акциядорми (жисмоний шахс)? Наҳотки акциялар жойлаштирилганидан кейин депозитарий билан нақдсиз шаклда акцияларни ҳисобга олиш ва сақлашга шартнома акция эгалари билан тузилса?

Бош директор.

Аввал-бошдан қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида сиз қўйган саволга тўғридан-тўғри жавоб йўқлигини таъкидламоқчи эдим. Жавоб топиш учун унга тегишли бўлган таърифларни аниқ белгилаш керак. Депозитарийда депо ҳисобварағига эга бўлган шахс депонент деб эътироф этилади (Депозитар ҳисоби ва ҳисоботининг ягона қоидалари (стандартлари)нинг¹ 2.4-банди, бундан кейин – Қоидалар); депозитар шартнома – депозитарий билан депонент ўртасида ёзма шаклда тузиладиган, уларнинг қимматли қоғозларни сақлаш ва қимматли қоғозларга доир ҳуқуқларни ҳисобга олиш билан боғлиқ муносабатларини тартибга соладиган шартнома (Қоидаларнинг 2.5-банди); депо ҳисобварағи – депозитарийнинг ҳисоб регистрларидаги депонентнинг қимматли қоғозларини сақлаш ва қимматли қоғозларга доир ҳуқуқларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган ёзувларнинг жамланмаси (Қоидаларнинг 2.6-банди).

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга² мувофиқ акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли қирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади. Депо ҳисобварағининг шартномаси депозитар шартномалардан бири ҳисобланади (Қоидаларнинг 13.3-банди).

Қоғозларнинг эгалари, қимматли қоғозлар эмитентлари, депозитарийлар, ишончли бошқарувчилар, қимматли қоғозлар олди-сотдиси билан шуғулланадиган инвестиция институтлари депозитарий депоненти бўлишлари мумкин (Қоидаларнинг 12.1-банди). Депонент ўзининг депо ҳисобварағини мустақил тасарруф этиш ёки унга доир оператор тайинлаш ҳуқуқига эга, операторга у тайинланган пайтдан бошлаб депо ҳисобварағини тасарруф этишга доир барча ваколатлар ҳам ўтади. Бундан депозитар шартномасида назарда тутилган ҳоллар мустасно (Қоидаларнинг 14.1-банди). Фақат юридик шахс депо ҳисобварағининг оператори бўла олади (Қоидаларнинг 14.3-банди).

Ушбу қоидаларнинг моҳиятидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкин. Акциялар эмиссияси пайтида, сиз хатда кўрсатгандек, депо эмиссия ҳисобварағи шартномасини депозитарий билан эмитентнинг ўзи (акциядорлик жамияти) тузади. Улар эмиссия қилинган ва жойлаштирилганидан кейин акциялар харид қилинганда эса уларни депо ҳисобварағи тарзида ҳисобга олиш ва сақлашга депозитар шартномани акциялар эгаси тузади, акс ҳолда харид қилинган акцияларга ҳуқуқлар ўтмайди. Шундан сўнг акциядор ўзининг депо ҳисобварағини мустақил ёки ўзи тайинлаган оператор орқали тасарруф эта олади.

Алексей НИЯЗМЕТОВ, юрист.

¹Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1.12.1999 йилда 844-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

²26.04.1996 йилдаги 223-I-сон.

¹ВМнинг 14.07.2006 йилдаги 138-сон қарори билан тасдиқланган.
²ВМнинг 2.04.1999 йилдаги 154-сон қарори билан тасдиқланган.
³МБ бошқарувининг АВ томонидан 18.04.2005 йилда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.
⁴ВМнинг 7.03.2006 йилдаги 38-сон қарори билан тасдиқланган.
⁵Бу ҳолда юзага келган солиқ оқибатларини ҳисобга олиш керак бўлади.

Реклама

«БУХОРО ҲАМКОРЛИК САВДО» МЧЖ томонидан 2013 йил 1 январдан 6 мартгача ўтказилган савдоси натижалари (котировка).

№	Товар, хом ашё (объект)нинг номи, тавсифи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи (минг сўм)
1.	ГАЗ-53АЦ 12	дона	1	1 000,0
2.	ЗИЛ	дона	15	2 550,0 дан 6 200,0 гача
3.	Корхона устав фондидаги улушлари	дона	3	2 700,0 дан 38 000,0 гача
4.	ТТЗ-100 (1999 й.)	дона	2	1 400,0 дан 1 200,0 гача
5.	УАЗ-315201	дона	1	1 200,0
6.	ИЖ-271501	дона	1	480,0
7.	КамАЗ-53115	дона	1	8 000,0
8.	ГАЗ-5312	дона	1	4 900,0

Қўшимча маълумотлар учун куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
200100, Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 12-уй. Тел. 8 365 413-58-28.

Реклама

«AMIR-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти

26.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
ЎЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказиш

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99899) 187-04-68, (+99894) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15

ҚУРИЛИШ ОХИРИГА ЕТКАЗИЛМАГАН ҲОЛДА...

ИШНИНГ МОҲИЯТИ

2011 йил май ойида «Т» МЧЖ (Буюртмачи) ва «С» МЧЖ (Пудратчи) икки объект қурилишига 5-сон (306 976 минг сўмга) ва 6-сон (222 884 минг сўмга) контрактлар тузишди, улар қурилишини 2011 йил 1 сентябргача тугаллаш керак эди.

Буюртмачи иккала контракт бўйича олдиндан ҳақ тўлади. Бироқ Пудратчи иккала объект қурилишини тугалламади.

Пудратчи ишларни тўлиқ ҳажмда ва контрактлар билан белгиланган муддатларда бажармаганлиги боис Буюртмачи Тошкент хўжалик судига 5 ва 6-сон контрактларни бекор қилиш, жавобгардан уларнинг ҳар бири бўйича дебиторлик қарзи, сумма неустойкаси, юридик хизматлар ҳақи ва у амалга оширган суд харажатларини ундириш тўғрисида даъво аризалари билан мурожаат қилди.

Судга далил сифатида: контрактлар, ҳақ тўланган

ни тўғрисида тўлов топшириқномалари, локал-ресурс қайдномаларининг нусхалари, бажарилган ишлар қиймати тўғрисида маълумотнома-ҳисобварақ-фактуралар, бажарилган ишлар далолатномаларига локал-ресурс қайдномалари, 2011 йил 31 декабрь ҳолатига кўра ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномалари, эътирозларнинг нусхалари, уларга жавобларнинг нусхалари ва бошқа ҳужжатлар тақдим этилди.

ДАЪВОГАРНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Буюртмачи иккала контракт бўйича ўз вақтида олдиндан ҳақ тўлаган. 2011 йил декабри охирида тарафлар 2011 йил декабри учун бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома-ҳисобварақ-фактурани имзолаганлар, унга кўра пудратчи 5-сон контракт бўйича 155 406 951 сўмлик, 6-сон контракт бўйича эса 121 185 106 сўмлик ишларни бажарган. Бундан ташқари, тарафлар локал ресурс қайдномаларини имзолаганлар, уларда иккала контракт бўйича бажарилган ишлар рўйхати ипидан игнасиғача келтирилган.

2011 йил 4 августда Пудратчи ва Буюртмачи 6-сон контрактга унинг 2.1-бандига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қўшимча битимни тузганлар, унда контракт қиймати якуний, қатъий белгиланган бўлиб, қурилиш ишлари тугаши ва объект Буюртмачига топширилишигача ўзгартирилмаслиги қайд этилди. Қурилиш материаллари, хизматлар нархлари ошадиган ва бошқа қўшимча харажатлар юзага келадиган тақдирда Пудратчи улар қийматини ўз ҳисобидан компенсациялаш мажбуриятини олади.

Контрактнинг 7.1-бандида назарда тутилишича, агар Пудратчи ўзининг мажбу-

риятларини бажармаса, у Буюртмачига муддат кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган шартнома мажбуриятларининг 0,1% миқдориди, бироқ бажарилмаган ишлар қийматининг 50%идан кўп бўлмаган ҳажмда, жарима тўлаш мажбуриятини олади.

Тарафлар 2011 йил 31 декабрь ҳолатидаги ўзаро ҳисоб-китобларни солиштирдилар, унга кўра Пудратчининг Буюртмачи олдидаги 5-сон контракт бўйича қарзи 184 593 049 сўмни, 6-сон контракт бўйича эса 29 814 894 сўмни ташкил қилган. Шунингдек Буюртмачи 20 та темир-бетон плиталарни харид қилиш харажатлари – 29 048 280 сўмни Пудратчининг ҳисобига киритди.

Шу тариқа, Пудратчининг Буюртмачидан қарзи 185 359 663 сўмни ташкил қилди.

2012 йилда Пудратчи объектлар бўйича ишларни бажармади.

У тарафлар томонидан назарда тутилган ишларни бажаришнинг барча муддатларини бузди.

Фуқаролик кодекси (ФК) 635-моддасининг иккинчи қисмига кўра Пудратчи ишларни бажаришнинг бошланғич ва якуний ҳамда оралик муддатларини бузганлик учун жавобгардир.

ЖАВОБГАРНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

5-сон контракт бўйича 155 444 769 сўм қарз 2011 йил сентябрь ҳолатига кўра оралик далолатномага мувофиқ ҳосил бўлган. Далолатнома тузилганидан кейин объектда ишлар давом этган. Зарур қурилиш материаллари сотиб олиниб, қурилиш майдончасига олиб келинган, қурилиш ишлари бажарилган. Шу тариқа, 155 444 769 сўм 5-сон контракт бўйича жавобгар ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш учун ишлатилган.

2012 йил 17 мартда тарафлар объектларни ўлчаб чиқиб, унинг натижаларига кўра реал далолатнома имзолашди ва тасдиқлашди. Унга кўра даъвогар олдиндан тўлаган ҳақ билан ўзлаштирилган сумма ўртасидаги фарқ 26 577 815 сўмни ташкил қилади.

6-сон контракт бўйича 29 814 894 сўм қарзга келганда, 2012 йил 16 апрелдаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси бор-йўғи 2011 йил 28 сентябрь ҳолатидаги ишларнинг вақтинча оралик аҳволини акс эттиради, шундан кейин жавобгар қурилиш ишларини бир маромда давом эттирган. Даъвогар тўлаган асосий сумма билан ўзлаштирилган сумма



ўртасидаги реал фарқ 2012 йил 17 мартдаги ўлчаб чиқиш далолатномасига асосан 49 452 311 сўмга тенг.

Об-ҳаво шароити туфайли объектларни топшириш муддати 2012 йил апрелгача узайтирилган эди.

Контрактга доир мажбуриятлар бажарилиши давомида қурилиш материалларининг нархи бир неча мартаба ошган. Ишга илова қилинган тўлов топшириқномаларида қўл билан тузатишлар бор даъвогарда контрактлар бўйича хулосалар мавжуд эмас.

Даъвогар бугунги кунда ўлчаб чиқиш далолатномаси асосида тузилган бажарилган ишлар далолатномасига имзо чекмай, қарзнинг оширилган суммасини кўрсатяпти.

СУДНИНГ ҚАРОРИ

Суд иккала ишни кўришни битта кўриб чиқишга бирлаштирди.

Биринчи инстанция ишга доир далилларни ўрганиб, иккала тарафни тинглаб, даъвогар «Т» МЧЖнинг талабларини қисман қондирди. Жавобгардан 185 359 663 сўм асосий қарз, 22 243 159,56 сўм пеня, 2 168 777 сўм давлат

божи ва 14 400 сўм почта харажатларини ундиришга қарор қилинди. Даъвонинг қолган қисми рад этилди.

Жавобгар ушбу қарорга апелляция шикоят берди, шаҳар прокуратурасидан эса апелляция протести келди.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг апелляция инстанцияси биринчи инстанциянинг қарорини ўзгартириб,

5 ва 6-сон контрактларни бекор қилиш, жавобгардан даъвогар фойдасига 3 427 177 сўм давлат божи ва ишни апелляция инстанциясида кўрганлик учун республика бюджети даромадига 664 658,60 сўм давлат божи ундириш тўғрисида қарор қилди. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгартиришсиз қолдирилди.

ЮРИСТНИНГ ШАРҲИ

Ушбу ишда биз ҳамкасбим А.Умурзоқов билан бирга даъвогарнинг манфаатларини ҳимоя қилдик. Бундай низола амалиётда тез-тез учраб туради.

Хўжалик суди Пудратчи ишларни 2011 йил 1 сентябргача тугатишга доир шартнома мажбуриятини

бажармаганлигини аниқлади.

Даъвогар икки контракт бўйича 491 млн сўмни олдиндан тўлаб қўйган. Бироқ жавобгар фақат 276 592 057 сўмлик ишларни бажарган, холос. Даъвогар харид қилинган 29 048 280 сўмлик 20 та темир-бетон плиталарнинг қийма-

тини Пудратчига ҳисоблаган. Шу тариқа, Пудратчининг Буюртмачи олдидаги қарзи 185 359 663 сўмни ташкил қилган.

ФКнинг 638-моддасига кўра, агар пудрат шартномасида бажарилган ишга ёки унинг айрим бо-сқичларига олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлмаса, Буюртмачи Пудратчига шартлашилган ҳақни иш тегишли тарзда ва келишилган муддатда ёхуд Буюртмачининг розилиги билан муддатидан олдин бажарилиб, унинг натижалари узил-кесил топширилганидан кейин тўлаши шарт.

Шу тариқа, Буюртмачи Пудратчи топширган ва Буюртмачи қабул қилган ишларнинг қийматини тўлаши керак. Бироқ Пудратчи иккала контракт бўйича олган бутун тўлов суммасига Буюртмачи томонидан ишлар қабул қилинганлиги далиллари судга тақдим этмаган.

Иккала тараф имзолаган, бажарилган ишлар рўйхати уларнинг умумий ҳажмига фоиз нисбатида кўрсатилган, 2012 йил 27 мартдаги объектларнинг техник ҳолати далолатномалари бундай далил бўлиб хизмат қила олмайди, чунки улар бажарилган ишлар далолатномалари ҳисобланмайди ва уларнинг қийматини кўрсатмайди.

Контрактларнинг 5.4 ва 6.3-бандларига кўра Пудратчи Буюртмачига ишлар якунланганидан кейин бажар-

илган ишлар далолатномаларини имзолаш учун тақдим этиши, Буюртмачи эса ҳужжатлар олинган пайдан бошлаб уч сутка мобайнида бажарилган ишлар қабул қилиниши ва имзоланишини таъминлаши керак эди. Бироқ Пудратчи Буюртмачига 27.03.2012 йилдаги объектларнинг қиймати кўрсатилган техник ҳолати далолатномалари асосида тайёрланган бажарилган ишлар далолатномаларини кўриб чиқиш учун берганлиги далилини судга тақдим этмаган.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг (29.08.1998 йилдаги 670-1-сон) 15-моддасига мувофиқ тарафлардан бирининг талабига кўра хўжалик шартномаси фақат бошқа тараф томонидан хўжалик шартномаси жиддий тарзда бузилганда ёки қонун ёхуд шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда хўжалик судининг қарорига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

5 ва 6-сон контрактларнинг 9.1-бандида назарда тутилишича, шартномалар ваколатли давлат органларининг қарори, тарафларнинг келишувига кўра тарафлар контракт мажбуриятларини бузганда бекор қилиниши мумкин.

Даъвогар контрактларни бекор қилишни сўраган. Биринчи инстанция суди бу борада (фик-

римизча, асоссиз равишда) буни рад этган.

Бироқ апелляция ҳайъатининг белгилашича, контрактларнинг шартларига мувофиқ, зарур шартлар мавжуд бўлмаганда, контрактларни бажариш ёки бекор қилишдан бир тарафлама бош тортиш назарда тутилмаган. Чунончи, ФКнинг 384-моддасига кўра, бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёкин шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – 30 кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

Бизнинг ҳолатда даъвогар жавобгарга контрактларни бекор қилиш, пул маблағларини қайтариш ва пеня тўлаш тўғрисида эътирозларни юборган. Бироқ жавобгар уларни қондирмасдан қолдирган. Шу сабабли апелляция инстанциясининг суд ҳайъати даъвогарнинг талабини асосли ва қондириладиган, биринчи инстанция судининг қарорини мазкур қисмида ва суд харажатларини ундириш қисмида ўзгартириш керак деб топди.


Ахтам ҲИКМАТОВ,
адвокат.

Реклама

ЯШАШ УЧУН ВАГОНЧАЛАР

H1672

Ҳар хил турдаги вагончаларни ишлаб чиқариш Маҳсулот сертификатланган



Тел. (+99890) 999-07-06, 253-39-99
E-mail: dmitriy@modul-stroy.uz

Биз яқинда никоҳдан ўтдик. Ишлайдиган турмуш ўртоғим ҳозир ҳомиладор. Мен унинг ва бўлгуси фарзандимизнинг соғлиги учун қайгуряпман. Аёлимнинг ишда бўлиш соатларини камайтирса бўладими? Аёлим бунга рози. Шу масалани қандай ҳал қилса бўлади?

Р.Кўшоқов,
Тошкент шаҳри.

РАҲБАР ЖАЗОЛОНАДИ, ХОДИМ ИШГА ТИКЛАНМАЙДИ

Қайта ташкил этилиш муносабати билан ходимларни қисқартирдик, бироқ туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказини штат қисқартрилиши муносабати билан улар ишдан озод этилганлиги тўғрисида хабардор қилмадик.

Бизнинг ҳаракатларимизни ноқонуний деб топишлари ва ходимларни ишга тиклашлари мумкинми?

Корхона раҳбари,
Тошкент шаҳри.

– Меҳнат кодекси 102-моддасининг еттинчи қисмига кўра сиз камида 2 ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига ҳам маълум қилишингиз шарт эди. Ушбу талабни бажармаслик қонун

билан назарда тутилган тартибда жавобгарликка олиб келадиган меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш деб баҳоланади. Текшириш давомида у аниқланганда иш берувчи Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 229-моддасига асосан **энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима билан жазоланиши мумкин.**

Бироқ ушбу ҳаракатлар ходим билан



меҳнат шартномасини бекор қилишнинг тўғрилигига ҳеч ҳам таъсир кўрсатмайди. Агар, албатта, штат сонининг қисқариши ходимни ишдан бўшатиш тартибини белгилайдиган меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий меъёрига мувофиқ амалга оширилган бўлса.

Тўлиқсиз иш куни қачон бўлганини мумкин?

– Меҳнат кодексининг (МК) 229-моддасига биноан **ҳомиладор аёлинг**, 14 ёшга тўлмаган боласи (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахсининг **илтимосига кўра, иш берувчи** тиббий хулосага мувофиқ уларга **тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбур.**

Шуни қайд этиш керакки, тўлиқсиз иш вақти шарт билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бунда меҳнат ҳуқуқларини бирон-бир тарзда чеклашга асос бўлмайди. **Ҳақ эса ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда тўланади (МКнинг 119-моддаси учинчи қисми).**

Шу тариқа, иш берувчи сизнинг аёлингизга тўлиқсиз иш вақтини (ҳақни ишланган вақтга мутаносиб равишда тўлаш билан бирга) белгилаши учун аёлингиз унга бу тўғрисида ёзилган аризани ва ҳомиладорлигини тасдиқловчи маълумотномани тақдим этиши керак бўлади.

ЁЗМА РАВИШДА СЎРАНГ

Мен 3.01.2013 йилдан буён бошқа ташкилотда ўриндошлик бўйича ишлайман. Яқинда маълумотнома олиб, уни асосий ишимдаги кадрлар бўлимига топширдим. Бироқ меҳнат дафтарчамга ўриндошлик бўйича ишлашим ҳақидаги ёзувни киритишмади.

Мен қандай йўл тутай?

З.Каримбердиев,
Тошкент шаҳри.

– Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида низомнинг¹ 9-бандига мувофиқ **ходимнинг ёзма аризасига кўра**, ўриндошлик асосидаги иш жойидан берилган маълумотнома асосида иш берувчи ходимнинг асосий иш жойидаги меҳнат дафтарчасига иш даври кўраси

¹ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган.
²Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

тилган ҳолда ўриндошлик асосидаги иш тўғрисидаги ёзувни киритади.

Шунинг учун сиз асосий иш жойидаги иш берувчи номига ўриндошлик бўйича иш тўғрисидаги ёзувни сизнинг меҳнат дафтарчангизга киритиши ҳақида ёзма равишда ариза топширингиз ва унга тегишли ҳужжатни – меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 29.01.2013 йилда 2417-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан белгиланган шакл бўйича маълумотномани илова қилишингиз керак бўлади (Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома² 2.1-бандининг бешинчи хатбошиси, 2.12-бандининг тўққизинчи хатбошиси).



Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ, эксперт-юристимиз.

НИЗОЛИ КОДЕКС

Россия саноатчилар ва тадбиркорлар уюшмаси (РСТУ) ҳукумат ва ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солувчи уч тарафлама комиссия кўриб чиқиши учун РФ Меҳнат кодексини янгилаш концепциясини йўллади.

Таклифлар россиялик иш берувчилар имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради. Таклиф этилаётган муҳим ўзгартиришлардан бири – иш берувчига танглик, ишлаб чиқариш суръатининг пасайиши, маҳсулотга талабнинг камайиши, янги технологиялар, ишнинг инновацион усул ва услублари жорий этилиши шароитида ходим билан меҳнат шартномаси шартларини бир томонлама тартибда ўзгартириш имконини беришдир. Концепциядан келиб чиқишича, янги МК ҳозиргидан кўра осонроқ тарзда кам самара берадиган ходимларни ишдан бўшатиш имконини бериши керак.

Кичик бизнес учун алоҳида имтиёзли шароитларни яратиш: иқтисодий қийинчиликлар вазиятида ходимларни ишдан бўшатишни соддалаштириш, уларни штат қисқариши тўғрисида огоҳлантириш муддатларини қисқартириш, ишдан бўшатиш нафа-

қалари миқдорини камайтириш, ўқув ва бошқа узоқ давом этадиган таътиллари бериш масалаларини ишбилармонлар мустақил ҳал этишига қўйиб бериш таклиф этилмоқда.

Концепция меҳнатга соатбай ҳақ тўлашга ўтиш имконини назарда тутишни таклиф этади. РСТУ нормал иш ҳафтасини 40 соатлик муддатда қолдиришга рози. Бироқ у, «ходим узоқроқ ишлаш истагини билдирса ва ишлай олса», кўпроқ бўлиши ҳам мумкин.

РСТУдагилар иш ҳақи ходимни рағбатлантириши, юксак меҳнат самарадорлигига эга ходим эса «самарали ишлашни хоҳламайдиган ходим»га қараганда анча кўп иш ҳақи олиши керак, деб ҳисоблайдилар. Меҳнат шартномасини ходимнинг «иш берувчи учун зарур муайян меҳнат натижаларига» эришиши тўғрисидаги талаблар билан тўлдириш таклиф этилмоқда. Ходим иш бе-

рувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатилаётганида эса тўланадиган компенсациялар миқдорини эса меҳнат шартномаларининг ўзида қайд этиш лозим – ҳозирда ушбу тўловлар МК билан тартибга солинади. Бундан ташқари, концепция уларни кишининг ташкилотдаги иш стажига боғлиқ қилиб қўйишни, ташкилотларни эса ҳукуматнинг ходимлар учун янги имтиёзлар, кафолатлар ва компенсациялар ҳақида қабул қилган қарорларини, агар улар иш берувчининг иқтисодий имкониятларидан ортиқ бўлса, бажаришдан озод этишни таклиф этади.

Концепция айрим тоифадаги ходимларнинг «ўта ҳимояланишидан» қочишга ундайди. Масалан, бугунги кунда қонун чиқарувчи Олис Шимолдаги корхонада ишловчи кишини қисқарттириш тўғрисида 2 ой аввал огоҳлантириш ва унга ярим йил нафақа тўлашни назарда тутаяди. Шу тариқа, самара бермайдиган иш жойини йўқотиш учун иш берувчи саккиз ойлик иш ҳақини тўлаши шарт бўлиб чиқади. Ўзгартиришлар

ташаббускорларининг фикрича, бундай сарф-харажатларни кичик ва ўрта бизнес корхоналари эмас, балки нефть ёки газ мажмуаси қила олади.

Янгилик тарафдорлари МКга ўзгартиришлар киритиш заруратини айтиш пайтда кодекс «иш берувчиларни янги юқори самарали иш ўринлари яратишга рағбатлантирмаслиги» билан изохлаптилар. Ҳозирги иқтисодий шароитда асосийси – ходимга эски иш жойини сақлаш эмас, балки янги жой топиш имконини беришдир.

Россия мустақил касаба уюшмалари федерациясида РСТУ ғояларига салбий баҳо бердилар. «Бугунги кунда ҳам иш берувчи ходимни олдиндан огоҳлантирган ҳолда бир томонлама тартибда меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин. РСТУнинг талқинида унинг талаблари инқироз пайтида ходимга тўловни тежаш имконини беришга келиб тақалади. Бироқ тадбиркор муайян хатарларни зиммасига олиб, ходимдан кўра кўпроқ маржа олади.»

Хорижий матбуот материалларидан.

Хориж тажрибаси

Эълонлар

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакилик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (+998 90) 370-63-06.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, бизнес-режаларни қайта баҳолаш*. Тел.: (+998 98) 365-33-50, (+998 71) 245-75-47.

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаймиз*. Тел. (+998 91) 162-60-17.

Сизга матбуотда реклама ва tovg.uz да бонуслар керакми? Нақд пул. Пул ўтказиш. Терминал. Тел.: 232-16-95, 909-35-36.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

ШАРТНОМАНИНГ НОМИ АҲАМИЯТЛИ ЭМАС...

Бухгалтер, иқтисодчи бир бюджет ташкилотда битта ставкада ишлайди, бошқа ташкилот билан у меҳнат битими тузиб, муайян ишлар ҳажмини бажариш мажбуриятини олган. Масалан, 300 кишига иш ҳақи ҳисоб-китобини қилиб беради. Ушбу иш учун белгиланган тўлов суммаси бухгалтернинг айнан битта ставкасига тенг.

Бундай ходимга ҳақ қандай тўланади: амалда бажарилган ишгами ёки сарфланган вақтга мутаносиб равишдами?


Кейинги ҳол Меҳнат кодексининг 160-моддасини бузиш ҳисобланмайдими?

– Йўқ, бузиш ҳисобланмайди, чунки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузиш чоғида Меҳнат кодекси 160-моддасининг ва Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган) талаблари ушбу ҳолда қўлланмайди. Амалдаги қонун ҳужжат-

лари корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг (бундан кейин – корхоналар) штатдаги ходимлари билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тузишни тақиқламайди.

Асосийси – фуқаролик-ҳуқуқий шартномада меҳнат ҳуқуқи атамаларидан фойдаланмаслик лозим. Унда тарафларни «ходим» ва «иш берувчи» деб

эмас, балки «ижрочи» ва «бўртмачи» деб номлаш керак. «Иш ҳақи» ўрнига «бажарилган иш (кўрсатилган хизматлар) учун ҳақ» сўзларини ишлатиш керак. Ижрочиға нисбатан буйруқлар чиқарилмаслиги, иш вақтини ҳисобга олиш табели юритилмаслиги лозим, унга меҳнат шартномасигагина хос



бўлган ижтимоий кафолатлар берилмайди.

Бироқ куйидаги ҳолни эътиборга олиш зарур. Агар корхона унинг штатида турган ходим билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномасини тузса, унга доир иш ишдан таш-

қари вақтда бажарилиши керак. Бу бўйича ҳақи ижрочи шартнома билан аниқ қилиб белгиланган пировард натижа учун олади. Ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) далили уларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан тасдиқланади.

МУДДАТЛИ ИШЛОВЧИ УЧУН СИНОВ

Муддатли шартнома бўйича – асосий ходим болани парваришлаш учун таътилга чиққан вақтга – ишга қабул қилганда синов муддати белгиланиши мумкинми?

Н.Ашрапова, ходимлар бўйича менежер. Тошкент шаҳри.

– Уч ойдан ошмайдиган дастлабки синов муддатини (Меҳнат кодекси (МК)нинг 85-моддаси) номуайян ҳамда муайян муддатга (муддатли меҳнат шартномасида) меҳнат шартномасини тузиш чоғида белгилаш мумкин.

Бундан фақат 6 ойгача муддатга тузиладиган муддатли меҳнат шартномалари мустасно. Ишга қабул қилинувчи ишга қабул қилиш чоғида синов белгиланмайдиган ходимлар доирасига кирган тақдирда ҳам муддатли шартнома тузиш мумкин эмас. У МК 84-моддасининг учинчи қисми билан белгиланган: ҳомиладор аёллар, 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек 6 ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди.

МК 84-моддасининг мазмунидан келиб чиқадики, 6 ойдан кўп муддатга меҳнат шартномаси тузган шахслар учун синов муддатини белгилашга тақиқ қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган. Бинобарин, бундай ходимга синов белгиланиши мумкин.

УЧ КИШИ ЎРНИДА ИШЛАБ, ҲАҚ ОЛИШ МУМКИНМИ?

«Норма маслаҳатчи» газетасининг 12.06.2012 йилдаги 24-сонида эксперт-юристнинг Абдусалом Рисқуллаев куйидаги хатга жавоб берган: «Ходим учта корхонада ишлайди. Унинг иш берувчилари ходимнинг бу тарзда ишлашидан манфаатдорлар. Ҳаммалари бунга розилар. Бироқ ҳатто 4 соатдан ишлаганда ҳам иш вақтининг нормал давомийлиги бузилади. Ходим зарур иш ҳажмларини бажаришга улгуряпти.

Иш вақтининг қандай режими иш берувчилар учун ҳам, ўриндош ходим учун ҳам қонуний ҳамда қулай бўлади, уни қандай ҳисобга олиш керак?»

«Ишга келиш ва ишлаш далили бўйича ҳисобга олиш табелида ўриндош ходимнинг ишланган вақти қайд этилади, – деб жавоб беради эксперт. – Ўриндошлик бўйича ишлайдиган шахсларнинг меҳнат ҳақи миқдори ҳақиқатда бажарилган иш учун ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича белгиланади (МКнинг 160-моддаси). Бинобарин, ҳисобга олиш табелида ҳақиқатда ишланган, муайян иш ҳажмини бажариш учун сарфланган вақт қайд этилиши мумкин».

Ушбу материалдан кейин Вазирлар Маҳкамасининг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори қабул қилинди. У мазкур масалани тартибга солишда бирор нарсани ўзгартирдими? Агар ўзгартирган бўлса, қандай тартибда?

Татьяна Александровна, Тошкент шаҳри.

– Ҳа, ўзгартирди.

Сизга маълумки, Меҳнат кодекси (МК) 1-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ Ўзбекистонда меҳнатга оид муносабатлар нафақат Меҳнат кодекси, балки, жамоа келишувлари, жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади*.

Сизнинг хатингизда кўрсатилган «Табелда ҳақиқатда ишланган соатлар ёзилади» («Норма маслаҳатчи», 12.06.2012 йилдаги 24-сон) тушунтириши чоп этилган кунда МКнинг 160-моддаси амал қиларди. Кейинроқ Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида низом¹ (бундан кейин – 297-сон Низом) қабул қилинди, у ўриндошлик асосида ишлаётган жисмоний шахсларнинг ва улар барча мулкчилик

шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда меҳнат шартномасига мувофиқ касблар ва лавозимларни бирга олиб борганларида меҳнат муносабатларини тартибга солишни белгилайди.

Унга кўра, ходим ўзининг асосий ишини бажаришидан ташқари, асосий ишидан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажариш учун меҳнат шартномаларини тузиш ҳуқуқига эгадир (297-сон Низомнинг 2-банди).

Ўриндошлик бўйича ишлашга асосий иш (ички ўриндошлик) ёки бошқа ташкилотда (ташқи ўриндошлик) рухсат берилади, агар 297-сон Низомда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса.

Шуни таъкидлаш лозимки, энди ўриндошлик асосида ишлайдиган давомийлиги ходимлар-

нинг ушбу тоифаси учун белгиланган иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Агар ташкилотда ўриндошлар учун иш вақти давомийлигининг ҳар кунги ярим нормасига риоя этилиши мумкин бўлмаган тақдирда, иш вақтини жамлаб ҳисоблаб юритишга йўл қўйилади. Иш вақти жамлаб ҳисоблаб юритилганда ўриндошлик асосида иш вақтининг умумий давомийлиги ҳисобга олинмайдиган давр учун ўриндошлик асосидаги лавозим бўйича иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлмаслиги керак. Бунда ҳисобга олинмайдиган давр 1 ойдан ортиқ бўлмаслиги, кунлик ишнинг давомийлиги эса – 12 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак (297-сон Низомнинг 7-банди).

Ходим билан ўриндошлик асосида ишлаш учун тузиладиган меҳнат шартномасида Меҳнат кодексида белгиланган талаблар билан биргаликда иш вақтининг давомийлиги мажбурий тартибда кўрсатилади (297-сон Низомнинг 8-банди). Бундан ташқари, унга шахсий варақани тўлдириш (Т-2-сон шакл), унга табель рақамини бериш лозим.

Агар ходим, асосий лавозимдан ташқари, худди шу ташкилотда ўриндошлик бўйича ишласа (ички ўриндошлик), табелни тўлдириш чоғида унинг фамилияси 2 марта кўрсатилади. Биринчи сатрда унинг асосий иш вақти, иккинчи сатрда ўриндошлик бўйича иш вақти ҳисобга олинади.

Ўриндошларнинг меҳнат ҳақи меҳнат шартномасига мувофиқ тўланади:

меҳнат ҳақининг ишбай шаклида – ҳақиқатда бажарилган иш учун;

меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклида – ишланган вақтга мутаносиб тарзда амалга оширилади (297-сон Низомнинг 11-банди).

Агар меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклида ўриндошга

нормаланган топшириқ белгиланса, у ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш ходим томонидан амалда бажарилган иш учун ишнинг пировард натижаси бўйича тўланади (297-сон Низомнинг 12-банди).

Туман коэффициентлари ва иш ҳақиға устамалар белгиланган туманларда ишлайдиган ўриндошларга меҳнат ҳақи ушбуни ҳисобга олган ҳолда тўланади.

Ўриндошлик асосидаги иш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори меҳнат унумдорлигига ёки меҳнат шартномасида назарда тутилган бошқа шартларга қараб, ишланган вақтга мутаносиб равишда, қонун ҳужжатларида белгиланган Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси² бўйича биринчи разряд тариф коэффициенти асосида ҳисоблаб чиқилган миқдордан паст бўлиши мумкин эмас (297-сон Низомнинг 13-банди).

Ходимнинг ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқишда асосий иш жойи бўйича ва ўриндошлик бўйича иш учун иш ҳақи алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади (297-сон Низомнинг 14-банди).

Агар ички меҳнат тартибда ёки ташкилотнинг жамоавий шартномасида ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ўриндошларнинг меҳнати учун рағбатлантириш ташкилотнинг барча ходимлари учун белгиланган тартибда амалга оширилади (297-сон Низомнинг 15-банди).

Ўриндошлар ўриндошлик асосидаги иш жойи бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси олиш, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари олиш ҳуқуқига эгадир (297-сон Низомнинг 18-банди).

Шу тариқа, ўриндош меҳнат шартномаси бўйича асосий иш вақтидан бўш вақтда ишлайдиган ва иш ҳақини ишланган вақтга мутаносиб равишда – меҳнат ҳақининг вақтбай шаклида (агар ўриндошга нормаланган вақт белгиланса) ёки пировард натижа бўйича – у ҳақиқатда бажарган иш учун оладиган ходимдир. Назарий жиҳатдан у, албатта, учта ва тўртта жойда ҳам ишлаши мумкин, бироқ улардаги жами иш вақти кунига 12 соатдан ошмаслиги керак.

¹ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган.

²ВМнинг 21.07.2009 йилдаги 206-сон қарори билан тасдиқланган.

ТЕЛЕВИЗОРНИ ҚАЙТАРИШДА ЁРДАМ БЕРИНГ

Мен республиканинг бошқа минтақасида яшайдиган ота-онамни кўриб келиш учун кетганимда эрим менинг розилигимни олмасдан никоҳимиз вақтида харид қилинган, қиммат турувчи телевизорни («уй кинотеатри» туркумида) сотиб юборибди, пулнинг катта қисмини сарфлаб, қариндошларига ҳам берибди. Мен ахир уни сотишга розилик бермаганман. Телевизорни қайтариб олиш мумкинми?

Гўзал.

– Телевизор ва пулни энди қайтариб олишга муваффақ бўлмасангиз керак. Оила кодекси (ОК)нинг 24-моддасига мувофиқ эр ва хотин уларнинг биргаликда умумий мулкни бўлган мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эгадир. Бу фуқаролик қонунчилигининг умумий қоидаларига мувофиқ келади (Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 225-моддаси).

Бироқ эр-хотин иккаласининг биргаликдаги мулкка ҳуқуқлари тенглигидан келиб чиқилганда, эр-хотиннинг бири томонидан умумий мол-мулкни тасарруф этиш битими амалга оширилса бир томон бошқа томоннинг розилиги билан ҳаракат қилади (ОК 24-моддасининг

иккинчи қисми; ФК 225-моддасининг иккинчи қисми). Шу тариқа, қонун билан умумий мол-мулкни тасарруф этиш ҳолатига эр (хотин) розилигининг презумпцияси (тахмини) белгиланган. Бунинг маъноси шуки, эр (хотин) билан битим тузилганда иккинчи томоннинг розилигини текшириш ва ундан ишончнома тақдим этишни талаб қилиш керак эмас, балки унинг розилиги далилидан келиб чиқиш лозим. Мазкур масалани қонун йўли билан бошқача ҳал қилиш фуқаролик муносабатларини анча қийинлаштирган бўлар эди.

Эр (хотин) томонидан умумий мол-мулкни тасарруф этиш битимини амалга оширишга иккинчи тарафнинг розилик презумпцияси тўғрисидаги қоида **кўчмас**

мулк билан боғлиқ битимларга нисбатан татбиқ этилмайди. Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Бундай розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибида ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақлидир (ОК 24-моддасининг тўртинчи қисми).

Суд эр (хотин) томонидан содир этилган умумий мол-мулкни тасарруф этиш битимини фақат унинг талабига кўра ва иккинчи тараф эр (хотин)нинг уни содир этишга рози эмаслигини билган ёки олдидан билиши керак бўлганлиги исботланган ҳоллардагина эр ёки хотиннинг розилиги йўқлиги бўйича ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Битим ҳақиқий эмас деб топилганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб



бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт (ФК 114-моддасининг иккинчи қисми).

Бундай нохушликларга дуч келмаслик учун ўзаро аҳил бўлиб яшанг, бир-бирингизга маслаҳатдош бўлинг, энг кичик нарсаларда ҳам эрингизнинг фикрини инобатга олинг.

Ахтам ҲИКМАТОВ,
адвокат.

ГЎШАКНИ ЖОЙИГА ҚЎЙИНГ!

Мамлакатимизда транспорт воситасини бошқарётганда телефондан фойдаланиш тақиқланганлигини эшитганман. Бироқ кўпинча автобус ва енгил автомобилларнинг ҳайдовчилари телефонда гаплашаётганлигини кўраман. Бу ҳолдан мен газабланиб, уларга доимо танбех берсам, кўпларига ёқмайди.

Транспорт воситасини бошқариш чоғида телефондан фойдаланганлик учун қандай жарима ёки бошқача жазо назарда тутилганлиги ва ким жазо белгилашга ҳақли эканлигини билмоқчи эдим.

Автомобилни бошқариш вақтида Bluetooth қурилмасидан фойдаланиш мумкинми?

Зулфия.

– Йўл ҳаракати қоидаларининг¹ 3.6-бандига кўра ҳайдовчиларга транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситаси салонининг олд қисмида ўрнатилган теле-, видеомонитордан фойдаланиш; транспорт воситаси салонининг олд қисмига, шу жумладан приборлар панелига, куёш соябони ва орқа томонни кўриш кўзгусига теле-, видеомониторлар ўрнатиш тақиқланади. Яъни транспорт воситасини бошқариш вақтида телефонда сўзлашиш, SMS юбориш ва ўқиш, телефонда ўйинлар ўйнаш, Интернетга кириш ва бошқа исталган операцияларни амалга ошириш мумкин эмас.

Бундай ҳаракатлар учун жарима Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128¹-моддасида назарда тутилган, унга кўра транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши – **энг кам иш ҳақининг 2 баравари микдоридан жарима солишга сабаб бўлади.**

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланил-

ганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса – **энг кам иш ҳақининг 3 баравари микдоридан жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 6 ойгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128¹-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ички ишлар органларига тегишлидир. Мазкур модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни жиноий ишлар бўйича ҳудудий суднинг судьялари кўриб чиқади.

Халқаро ҳуқуқ транспорт воситаларини инсон ҳаёти учун оширилган хавф манбалари сифатида белгилайди, шу боис уларни бошқариш доимий эътиборни талаб қилади.

Чунончи, Хиндистонда 2001 йил июлдан бошлаб ҳаракатлашиш вақтида ҳатто гарнитурани мобил телефондан фойда-

ланиш тақиқланган, Нидерландияда бундай ҳаракат учун 2 минг евро микдоридан жарима солинади ёки 2 ҳафтага қамоқ муддати белгиланади; Бахрайнда эса ҳуқуқбузарни қамоқ кутади.

Россия Федерациясининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексда транспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан телефондан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги учун 300 дан 1 000 рублгача жарима назарда тутилган, ҳуқуқбузарлик такрор содир этилган тақдирда сумма 2 000 – 3 000 рублгача кўпаяди ёки ҳайдовчи 1 ойдан 3 ойга

қадар транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Транспорт воситасини бир қўлда бошқариш ҳайдовчининг реакциясини тахминан 2 баравар пасайтиради ва нохуш оқибатларга олиб келади. Чунки йўл вазиятига эътибор пасаяди.

Бир қатор олимлар қонун чиқарувчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчиларнинг топшириғига кўра эксперимент ўтказиб, соатига 110 км тезликда ҳаракатланаётган транспорт воситасининг тормоз йўли 31 метрни ташкил этишини аниқладилар. Агар ҳайдовчи қўлида мобил телефонни ушлаган бўлса, ушбу масофа 55 метргача кўпаяди. Ушбу ортиқча 20-30 метр нафақат ҳайдовчининг, балки бошқа

кишиларнинг ҳам ҳаётини йўқ қилиши мумкин.

Албатта, исботлаш далили хусусида ҳам ўйлаш лозим. Эҳтимол, мазкур ҳуқуқбузарликни тасдиқлаш учун видеоматериаллар илова қилиниши керакдир (ҳозир автомобилларга видеорегистраторлар, чорраҳалар ва йўлларга кузатиш-қайд этиш камералари ўрнатилганлиги маъқул бўлди). Хорижий амалиётнинг кўрсатишича, ЙТХ шохидларининг мобил сурагга олиш материалларидан ҳам, албатта, зарур видеоэкспертиза ўтказилганидан кейин, фойдаланса бўлади. Мобил алоқа операторларида эса нафақат телефон рақами, балки кўнғироқ вақти ҳам қайд этилади.

Ленара ХИКМАТОВА,
юрист.

Реклама

«SPARTAK KONSALTING» МЧЖ томонидан бўлиб ўтган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш учун доимий фойдаланишга мўлжалланган ер майдонлари танлов натижалари
2013 йил 20 февраль

Т/р	Объект жойлашган манзил	Доимий фойдаланиш учун ажратилган ер майдони	кв.м	Ер майдони минимал қиймати	Сотилиш нархи
ҚОРАҚҮЛ ТУМАНИ					
1.	Қорақўл шаҳар «Эски қалъа» МФЙ	Дорихона биноси	60	32 329	50 000
		Юридик консалтация бериш биноси	48	25 863	30 000
		Телевизор тузатиш биноси	48	25 863	40 000
		Холодильник тузатиш биноси	48	25 863	50 000
		Меҳмонхона биноси	108	58 191	70 000
		Умумий овқатланиш биноси	72	38 794	75 000
		Умумий овқатланиш биноси	72	38 794	40 000
2.	Қорақўл шаҳар «Хўжалар» МФЙ	Тикувчилик цехи	189	101 835	120 000
		Чойхона биноси	600	323 286	345 000
3.	Қорақўл шаҳар «Зарафшон» МФЙ	Компьютер таъмирлаш биноси	150	80 821	120 000
		Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси	100	53 881	60 000

«SPARTAK KONSALTING» МЧЖ томонидан бўлиб ўтган якка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдонларини очиқ кимошди савдо якунлари натижалари
2013 йил 18 февраль

Т/р	Объект жойлашган манзили	Бино ва ишиотлар номи	кв.м	Бошланғич нархи	Сотилиш нархи
БУХОРО ШАҲАР					
1	Когон тумани Сухор МФЙ, Янгиҳаёт қишлоғида жойлашган	Якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.м дан иборат 2 та ер майдони	400	720 000	950 000
2	Пешку тумани Қорақалпоқ МФЙ, Маҳаллагўжа қишлоғида жойлашган. Бухоро шаҳар, С.Раҳимов кўчасида жойлашган	Якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.м дан иборат 1 та ер майдони	400,0	480 000	760 000

Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик кўчаси, 12-уй.

Лицензия: серия RL 001 рақами RR 0079. Телефон: 8 365 223-01-81.

¹ВМнинг 11.12.2000 йилдаги 472-сон қарори билан тасдиқланган.

ҚАЙНОНАНИНГ НОРОЗИЛИГИ ОИЛА БУЗИЛИШИГА САБАБ БЎЛОЛМАЙДИ

2012 йилда ўғлим уйланди. Яқинда эса келинимиз илгари судланганлигини билиб қолдим. Агар буни аввалроқ билганимизда никоҳга розилик бермаган бўлардик. Ҳозир уларнинг никоҳини ҳақиқий эмас деб эътироф этиш мумкинми?

Светлана М.

– Йўқ, мумкин эмас. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун Оила кодекси (ОК)нинг 49-моддаси билан белгиланган ҳоллар рўйхати батафсил тусга эга ва кенгайтириб талқин этилмайди. Шу сабабли никоҳланувчи шахсларнинг бири бундан аввалги никоҳ (ажрашиш) ҳолларини яшириши; болаларнинг борлиги ёки соғлигининг ҳолатига кўра уларга эга бўла олмаслик; касаллигини (таносил касаллиги ёки ОИВ касаллигидан ташқари), судланганлигини яшириш сингари ва бошқа ҳоллар никоҳни ҳақиқий эмас деб топишга олиб келадиган асослар сифатида қаралиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳоллар никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос ҳисобланади:


а) никоҳланувчилар ёки улардан бирининг никоҳ тузишга ўз хоҳиши билан рози бўлмаслиги. Никоҳ тузишдаги «ирода етишмаслиги»ни турли сабаблар тақозо этиши мумкин. Ҳуқуқшунослар уларнинг асосийларига қуйидагиларни киритадилар: никоҳ тузишга мажбур қилиш (жисмоний ёки руҳий зўрақонликни қўллаш ёки қўллаш билан таҳдид қилиш); шахснинг никоҳ тузиш пайтида ўз ҳолати туфайли нима қилаётганлигини билиш ва ўзини бошқариб туришга қодир эмаслиги (наркотик ёки алкоголь туфайли маст бўлиш, оғир касаллиги). Кўпинча никоҳлар келиннинг розилигисиз тузилади. Никоҳни ушбу асосга кўра ҳақиқий эмас деб топиш ҳоллари ғоятда оз учрайди, чунки жабрланувчилар одатда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилмайдилар;

б) агар никоҳ ёши қонун билан белгиланган тартибда пасайтирилмаган бўлса, никоҳланувчи шахсларнинг (ёки улардан бирининг) бундай ёшга етмаганлиги. Баъзан никоҳ ёшига етмаган ва ҳокимнинг бундай ёшни пасайтириш тўғрисида қарорига эга бўлмаган шахс билан никоҳни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ФХДЁ ходимлари қонунни бузадилар ёки ёш тўғрисида сохта маълумотларни тақдим этиб, никоҳланувчилар ёки улар ота-оналари ёлғонга йўл қўядилар;

в) никоҳ тузган шахсларда (ёки уларнинг бирида) рўйхатдан ўтказилган бошқа никоҳнинг мавжудлиги. Бизнинг қонунчилигимиз фақат битта рўйхатдан ўтказилган никоҳ бўлишини назарда тутди. Биттага никоҳланиш қонунини бузиш никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос ҳисобланади;

г) насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузилиши. ОК 165-моддасининг биринчи қисмига кўра фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларда фарзандликка олувчининг ўз болаларига тенглаштирилади. Айни шу сабабли фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузилиши ҳам никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос ҳисобланади;

д) уларнинг лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки акли заифлиги) сабабли



суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузилиши. Бундай шахс ўзининг ҳаракатлари маъносини англамайди ёки уларни бошқара олмайди ва, бинобарин, никоҳланишга ўзининг онгли хоҳишини ифодалашга қобил эмас. Қонун ҳужжатлари васий ёки вакил орқали никоҳ тузишга йўл қўймаслиги боис руҳияти бузилиши оқибатида муомалага лаёқатсиз инсон билан никоҳ тузиш никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос ҳисобланади;

е) сохта никоҳ тузиш. Сохта никоҳнинг асосий аломати никоҳ тузиш асослари эмас, балки оила барпо этиш ниятининг йўқлиги ҳисобланади. Агар шахслар мулкӣ ёки бошқа манфаатларни кўзлаб никоҳлансалар ва бу орқали оила барпо этишса, бундай никоҳ сохта деб қаралиши мумкин эмас. Бундай ҳолда фақат никоҳ гаразли мақсадларни кўзлаб тузилган дейиш мумкин.

Унинг сохталлиги оқибатида никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш осон эмас, чунки эр-хотин ёки уларнинг бирида оила барпо этиш ниятининг йўқлигини исботлаш жуда қийин бўлади. Зеро улар биргаликда яшашга мажбур эмаслар, шу боис ҳам биргаликда яшаш жойининг йўқлиги никоҳни сохта деб топиш учун асос ҳисобланмайди;

ж) никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вирус (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганда, агар иккинчиси судга шундай талаб билан мурожаат этса. Касалланишнинг мавжудлиги эмас, балки никоҳга кираётганда уни яшириш ҳолининг ўзи ҳуқуқий аҳамиятга эга. Зеро ушбу ҳолда эр (хотин) ва бўлғуси болаларнинг соғлиги (баъзан эса ҳаёти ҳам) хавфга қўйилади. Шуни ҳам билиш лозимки, ўзида таносил касаллиги борлигини била туриб, бу касални бошқа шахсга юктириш, била туриб бошқа шахснинг ОИВ касаллиги (ОИТС) юктириш хавфи остида қолдириш жазоланадиган жиноий қилмиш ҳисобланади (Жиноят кодексининг 113-моддаси).

Кўрамикки, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш талабини қўйишга ҳақли шахсларнинг доираси ҳар бир аниқ ҳолда вазиятга боғлиқдир. Никоҳни фақат суд фуқаролик суд ишини юритиш тартибда ҳақиқий эмас деб топа олади.

Ахтам ҲИКМАТОВ, адвокат.

Город®
skidok

ИҚТИСОД ҚИЛИШ –

НОРМА л и ш

Элина КУНАЕВА.

«Mionil» МЧЖ директори.

– «Солиқ ва божхона хабарлари» + «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначиси сифатида «NORMАльная карта» ва «Restoran.uz» дисконт карталарига эга бўлдим. Гапнинг рости, илгари дисконтга ишим тушмаганлиги боис, аввалига, уни нима қиламан деб роса бошим қотди. Кейинроқ улардан қандай фойдалансам экан деб роса каталогга кўз ташладим. Қарасам, унда тиббиёт марказлари, ҳар хил дўконлар, кимёвий тозалаш корхоналари, гўзаллик салонлари дегандек, кундалик ҳаётда асқотадиган жойлар кўп экан. Бундай жойларга борганимда дисконт карталарни кўрсатсам, буюртмамни ҳамма ерда бажонидил қабул қилишмоқда – роса хурсанд бўлдим.

Буни зўр лойиҳа деб ҳисоблайман. Аввало, пул тежалади, қолаверса, дунёқарашингиз кунингизга ярайдиган манзилларни билиб олиш ҳисобига кенгайди. Масалан, мен илгари номини ҳам эшитмаган талайгина жойларни билиб олдим. Бирон нарса олишни мўлжалласам, тўғри керакли дўконнинг ўзига бораман-қўяман. Бўш вақтни фойдали тарзда ўтказиш имконияти ҳам кенгайди.

Фойдали, мутахассисларбоп ахборот маҳсулотлари тайёрловчи ва етказиб берувчи «Norma» компаниясини ҳаммаша ҳурмат қилиб келаман. Дисконт карталарини олгач, шунга ишонч ҳосил қилдимки, бу ерда ҳамкорликни ноёб лойиҳалар ва одамга хуш ёқадиган тўхфалар билан бойитишни ўйлайдиган ижодкор кишилар ишлар экан.

Яна нима дейиш мумкин?! Дисконт дастур ҳамкорлари ва шериклари рўйхатида кинотеатрлар ҳам бўлса яхши бўларди. Уларнинг ёнига мен ёқтирадиган боулинг ҳам қўшилса-ку нур устига аъло нур! Жорий йилда ҳам бундай карталарни бажонидил олишни хоҳлардим, аммо кимга мурожаат қилишни билмайман.

Тахририятдан. Ҳурматли Элина! Энг аввало, ишимизга берган ижобий баҳо ва яхши сўзларингиз учун ташаккур. Яхши гап ҳаммаша илҳом бахш этади, шерик ва ҳамкорларимизни ҳамкорлик ришталарини янада ривожлантиришга, бу борадаги афзалликларнинг қадрига етишга ундайди.

Дисконт карталарини харид қилиш учун бирон ерга мурожаат қилиш шарт эмас. Башарти бу йил ҳам газеталаримизга обунани расмийлаштирган бўлсангиз, дисконт карталарни бепул оласиз. Бунинг учун norma.uz сайтида берилган анкетани тўлдириш ёки 200-00-30 телефон рақами орқали обуна бўлимига кўнғироқ қилиш кифоя.

«Gorod Skidok» МЧЖнинг дисконт сервис хизматлари ҳақидаги, шу жумладан дисконт карталар тўғрисидаги барча ахборотларни skidki.uz сайтидан олиш мумкин.

Реклама ҳуқуқида эълон қилинмоқда.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайди.
Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «ТОРПРИНТ» МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 835 Адади 2 325. Баҳоиси келишилган нархда
Газета 2013 йил 11 мартда соат 16.30 да топширилди.
ISSN 2010-5223